

Ақийда дарслари (54-дарс). Имом Ғаззолий ва тасаввуф



14:05 / 07.10.2019 6508

Илми калом, фалсафа ва ботиниядан ўзлари излаган илми яқийни топишдан умиди узилган имом Ғаззолий ўша вақтнинг яна бир маърифат ўчоғи бўлган тасаввуфга юзландилар. Бу ҳақда у киши ўзларининг «Ал-Мунқиз миназ-Золал» номли китобларида жумладан, қуйидагиларни айтадилар:

«Сўнгра ушбу илмлардан фориғ бўлганимдан кейин бор ҳимматим ила сўфийлик йўлига йўлландим. Мен уларнинг йўли илм ва амал ила батамом бўлишини англаб етдим. Уларнинг амалининг ҳосили ҳавойи нафс тўсиқларини кесиб ўтишдан ҳамда ёмон хулқлардан ва чиркин сифатлардан покланиб, қалбни Аллоҳ таолодан бошқага жой қолдирмаслик ва уни Аллоҳнинг зикри ила зийнатлашдан иборат эди».

«Мен учун илм амалдан кўра осонроқ эди. Мен уларнинг китобларини ўқиб, илмларини ҳосил қилишдан бошладим. Абу Толиб Маккий раҳматуллоҳи алайҳининг «Қуутул қулуб»ини, Ҳорис Муҳорибийнинг китобларини, шунингдек, Жунайд, Шиблий, Абу Язид Бистомий қаддасаллоҳу арвоҳаҳум ва бошқа машойихларнинг қолдирган фикрларини ўргандим. Охири уларнинг илмий мақсадларининг ғоясига етишдим. Уларнинг йўли бўйича таълим олиш ва эшитиш билан ҳосил қилиш мумкин бўлган нарсаларни ҳосил қилдим. Мен уларнинг энг хос нарсалари таълим олиш орқали эмас, завқ, ҳол ва сифатларнинг ўзгариши орқали бўлишини англаб етдим».

Аста-секин имом Ғаззолий тасаввуф йўлидан таъсирланиб, ҳамма нарсани, жумладан, Бағдодни ҳам ташлаб, сафарга чиқдилар. Ўн йиллик тажрибадан сўнг ўзлари излаб юрган ҳақиқат тасаввуфда эканини англаб етдилар. Бу борада маълум мақомга эришиб, кўнгиллари таскин топгандан сўнг динга, илмга ва мусулмонларга хизмат қилиш лозимлигини ҳис қилиб, яна дарс беришга, илмий хизматларга қайтдилар.

Имом Ғаззолийнинг бошқа олимлардан ажратиб турадиган икки хислатлари бор эди. Улардан биринчиси – ўз даврларида тарқалган барча илмларни пухта эгаллаганлари. Биз юқорида ўтган сатрларда у кишининг ақоидга доир, ботинияга қарши ва фалсафа ҳамда мантиқ илмларига оид китоблари рўйхатини келтирдик. Энди тасаввуф ва динга оид китоблари билан танишайлик:

1. «Одобус-сўфийя».
2. «Ал-Арбаъун фий усулуд-дин».
3. «Ихёу улумуд-дин».
4. «Жавоҳирул Қуръон ва дураруху».
5. «Ар-Рисола ал-Ладунийя».
6. «Мишкотул Анвор».
7. «Минҳожул Обидин илал Жаннати».
8. «Мийзонул Амал».

Шу билан бирга, имом Ғаззолий кўзга кўринган фақиҳ ва усулул фиқҳ олими ҳам эдилар. У киши бу соҳалар бўйича ҳам барчанинг таҳсинига

сазовор бўлган китоблар соҳиби ҳисобланадилар:

1. «Асрорул ҳажжи».
2. «Ал-Мустасфо фий усулил фикҳи».
3. «Ал-Важийз фил фуруъ».

Имом Ғаззолийнинг ҳамма китоблари ўта аҳамиятли ҳисобланади. Аммо уларнинг ичида «Ихёу улумуд-дин» китоби алоҳида эътибор қозонган китобдир. Бу китобни ҳамма олимлар ва толиби илмлар ўқиган ва ўқимоқдалар.

Имом Ғаззолийнинг илм бобидаги энг заиф ерлари ҳадис илмида эканини ҳамма зикр қилади. У кишининг ўзлари ҳам бу нуқсонни англаб, умрларининг охирида илми ҳадисни эгаллашга ҳаракат қилганлар. Ҳадис олимларидан имом Бухорий ва Муслимнинг «Саҳиҳ»ларини ўқиб бўлганларидан кейин вафот этганлар. Имом Ғаззолий ҳижрий 505 сананинг ўн тўртинчи жумадул охирида, Тобаронда вафот этдилар.

«Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар» китобидан